



## FARMOYISH

2023-yil 17-noyabr

**243-УН-сон**

TOSHKENT

### **“Ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилини биладиган темирйўлчи ёшларни саралаш тӯғрисида”**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимини рақамлаштириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, соҳасига билим салоҳияти юқори мутахассисларни жалб қилиш мақсадида, буюраман:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги барча бошқарма, корхона, ташкилот, акциядорлик жамияти ва муассасалардаги ёш мутахассислар ўртасида Ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилини биладиган темирйўлчи ёшларни саралаш бўйича танлов ўтказилсин.

2. Танловини ўтказиш бўйича ишчи гурӯҳ таркиби 1-иловага, танлов низоми 2-иловага, танловни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага, танловнинг якуний босқичини ўтказиш бўйича баҳолаш ҳайъати аъзолари таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Танлов тизимдаги барча бошқарма, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан жойларда танлов комиссияси тузилиб, жорий йилнинг 21 ноябрь санасигача Низом талабларига мувофиқ ҳар бир корхона 3 нафардан номзод ҳамда уларнинг маълумотларини Рақамлаштириш бошқармасига тақдим қилсин.

4. Ишчи гурӯҳ томонидан жорий йилнинг 23 ноябрь санасида танловнинг якуний босқичини Жамиятнинг марказий мажлислар залида ўтказилсин.

5. Рақамлаштириш бошқармаси (Ахмедов) ва Етакчилар Кенгаши (Эшанқулов) ўз муддатида танловнинг якуний босқичини ўтказсин.

6. Ишчи гурӯҳ раиси танлов натижалари хулосасига қўра муносиб деб ҳисобланган номзодларни Жамият раҳбариятига тақдим этсин.

7. Ишларни бошқариш дирекцияси (Иногамов) якуний босқични ўтказиш учун шар-шароит яратиб берсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Бошқарув раиси ўринbosари Ж.З.Юсуповга юклатилсин.

Бошқарув раиси в.б.



3.Ғ.Нарзуллаев

**Танлов ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

- |                |  |
|----------------|--|
| Ж.З.Юсупов     | - Бошқарув раиси ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси  |
| А.Х.Ахмедов    | - Рақамлаштириш ва ахборот дастурларини ишлаб чиқиши бошқармаси бошлиғи в.б., ишчи гуруҳ раиси ўринбосари                  |
| Р.Н.Эшанқулов  | - Етакчилар Кенгаши раиси в.б., ишчи гуруҳ аъзоси  |
| Д.А.Сабиров    | - Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ аъзоси  |
| А.Б.Махмудов   | - Ахборот-хисоблаш маркази бошлиғи в.б., ишчи гуруҳ аъзоси   |
| Б.А.Байманов   | - Стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари |
| Барча корхона* | - Ўз худуди бўйича ишчи гуруҳ раиси<br>раҳбарлари  |

Изоҳ\*: корхона, ташкилот ва муассасалар

Изоҳ: ишлаб чиқариш зарурият туфайли ишчи гуруҳ аъзоларининг ўрнига уларнинг лавозим бўйича ўринбосарлари ишчи гуруҳ аъзолари сифатида қатнашишлари мумкин.

## **Ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилини биладиган темирйўлчи ёшларни саралаш тўғрисидаги танлов НИЗОМИ**

Мазкур Низом 2023 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимида барча бошқарма, МТУ, корхона, ташкилот, акциядорлик жамияти ва муассасаларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган темирйўлчиларлар ўртасида Ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилини биладиган темирйўлчи ёшларни саралаш тўғрисидаги танловни ўtkазиш тартибини белгилайди.

### **I. Мақсад ва вазифалари**

Ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилини биладиган темирйўлчи ёшларни саралаш тўғрисидаги танлов — тизимда самарали фаолият юритаётган истиқболли ёш кадрларни аниқлаш ҳамда ёшларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишиларини қўллаб-қувватлаш, уларда ижодий тафаккур ва яратувчанлик қобилиятини ривожлантириш, ёш кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, билим даражаси юқори, иқтидорли, чет тилини биладиган ёш темирйўлчиларни аниқлаш, темир йўл тизимини рақамлаштириш борасидаги ишларда АКТ ва чет тилини биладиган ёшларни жалб қилиш мақсадида ташкил этилади.

### **II. Умумий қоидалар**

2.1. Ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилини биладиган темирйўлчи ёшларни саралаш танловида тизимдаги бошқарма, МТУ, корхона, ташкилот, акциядорлик жамиятлари ва муассасаларда фаолият юритаётган ёшлар темир йўл соҳасига алоқадор бўлган исталган соҳада ихтиёрий тарзда ўзларининг АКТ ва чет тилини биладиганлар иштирок этишлари мумкин.

2.2. Танлов тизимдаги темирйўлчилар ўртасида мазкур Низом асосида ўtkазилади.

### **III. Танловни ташкил этиш ва ўtkазиш**

3.1. Танлов икки босқичда ўtkazилади:

- саралаш босқичи; (жойларда корхоналарда)

- якуний босқич (баҳолаш ҳайъати томонидан тавсия этилган номзодлар, Бошқарув раҳбарияти ҳузурида ўtkazиладиган якуний босқичда иштирок этишади).

3.2. Танловнинг саралаш босқичи жойлардаги тузилган танлов комиссияси томонидан ноябрь ойининг 21 санасига қадар ташкил этилиб, якуний босқичга келадиган номзодларнинг АКТ (IT) ни биладиган, чет тилини (инглиз тилини B1, B2, C1, C2, IELTS) билиш даражасини белгиловчи тегишли сертификатлари билан тақдим қилишлари лозим

### **V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари**

- танлов иштирокчисининг маълумотномаси;

- АКТ соҳаси бўйича қилган ишланмаларини ва сертификатларини (мавжуд бўлса);
  - агар мавжуд бўлса, чет тилини (инглиз тилини B1, B2, C1, C2, IELTS) билиш даражасини белгиловчи тегишли сертификатларини

**Ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилини биладиган  
темирийўлчи ёшларни саралаш танловини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган  
чора-тадбирлар дастури**

<b>№</b>	<b>Чора-тадбирлар номи</b>	<b>Бажариш муддати</b>	<b>Масъуллар</b>
1.	Танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш юзасидан масъулларни белгилаш	2023 йил ноябрь	НЗК, НЦТ, СЛМ, НОК.
2.	Танловнинг саралаш босқичи ғолибларини аниқлаш ва барча хужжатлар Рақамлаштириш бошқармасига тақдим этиш	2023 йил ноябрь	Барча бошқарма, МТУ, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари
3.	Якуний босқичда саралаш босқичи ғолиблари иштирокини таъминлаш	2023 йил ноябрь	Барча бошқарма, МТУ, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, НОК
4.	Якуний босқич Жамиятнинг марказий мажлислар залида ўтказилади: <sup>*</sup>	23 ноябрь соат 10:00	баҳолаш ҳайъати
6.	Танловнинг якуний босқичини ўтказиш	2023 йил ноябрь	УДН

Изоҳ\*: баҳолаш ҳайъати аъзолари танлов иштирокчилари ишларини кўришга белгиланган кунда улгурмаса, кейинги кун давом эттирилади.

**Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида “Инновацион ғоялар-2023” танлови иштирокчиларини баҳолаш ҳайъати аъзолари**

- |               |   |
|---------------|---|
| А.Х.Ахмедов   | - Рақамлаштириш ва ахборот дастурларини ишлаб чиқиши бошқармаси бошлиғи в.б., баҳолаш ҳайъати раиси                   |
| А.Б.Махмудов  | - Ахборот-ҳисоблаш маркази бошлиғи в.б., баҳолаш ҳайъати раиси ўринбосари   |
| Д.А.Сабиров   | - Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, баҳолаш ҳайъати аъзоси                                |
| Р.Н.Эшанқулов | - Етакчилар Кенгаши раиси в.б., баҳолаш ҳайъати аъзоси  |
| Б.А.Байманов  | - Стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи, баҳолаш ҳайъати аъзоси |

Изоҳ: Ишлаб чиқариш зарурияти сабаби билан ҳайъати аъзолари имтиҳон вақтида қатнаша олмаса, уларнинг ўринбосарлари ўз бўлимидан 2 нафар мутахассис келишини таъминлайди.